

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

№4
2025

MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

2025/4 (№6)

M u a s s i l a r: “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti” Milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M.Abdullayeva, *s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor*
R.Choriyev, *p.f.d., professor Z.Ismoilova, f.f.d., professor J.Ramatov,*
i.f.d., dotsent X.Pirmatov, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:

Qiyom Nazarov – f.f.d., professor

Nashrga tayyorlovchilar:

M.Tursunova, M.Turdiyeva, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000,

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. “Times” garniturasini.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa

MUNDARIJA:

Бош муҳаррир минбари	Имом Бухорийнинг фалсафий қарашлари.....	4
А.Маврулов	Маданият феномени – Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт омили.....	7
I.Axmedov	Ijtimoiy-falsafiy g'oyalar transformatsiyasini shakllantiruvchi omillar.....	11
G.Ruzmatova	Alisher Navoiy va Anthoni Sheftsberining go'zallik va adolat tushunchalarining komparativistik tahlili.....	15
S.Hasanova	Foresight kompetentligini rivojlantirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari roli.....	20
Ш.Турдимов	Кўнгилдин кўнгилга дарча бор... ..	24
Ҳ.Саломова	Табиатни асраш – яшил иқтисодга йўналтирилган оқилон тараққиётнинг илк қадамидир.....	29
К.Махсуджонов	Shaxs kamolotida ma'naviy-ma'rifiy qadriyatlarning tarixiy-falsafiy asoslari.....	33
D.Kamilov	Sinkretizm taksanomiyasi: nazariy tahlil va metodologik yondashuvlar.....	38
D.O'rinboyev	G'arb mamlakatlarining strategemalar nazariyasiga doir falsafiy-tarixiy yondoshuvlari.....	43
S.Karimov	Raqamli dunyoda hayotiy maqsad paradigmalarining o'zgarishi.....	48
B.Uzokov	Yangi O'zbekiston: yangicha qadriyatlarning o'ziga xos jihatlari.....	52
Г.Нишонбоева	Ўзбекистон ривожининг янги даври – маданият тараққиётининг муҳим асоси.....	56
Х.Холмирзаев	“Inson salohiyati” va “ong” tushunchalarining murakkabligi va o'zaro bog'liqligi.....	60
Г.Наврўзова	Экологик муаммолар ечимига оид манба.....	64
Q.Kdirbayev	Axborot asrida milliy qadriyatlarni himoya qilish zarurati.....	67
Н.Хушвақова	Социологияда блогосферага оид илмий ёндашувлар.....	71
J.Taniqulov	Media axborot tizimi orqali ta'lim madaniyatini yuksaltirish mexanizmlari.....	75
X.Xidirov	O'rta asr G'arb olamida korrupsiyaga qarshi kurashishning ahamiyati.....	78
G.Niyetova	Jadidlar ta'limotida O'zbek oilasi funksiyalarini shakllantiruvchi ijtimoiy-iqtisodiy omillar.....	81
B.Mirzayev	Shayboniy Malika Mexr Sulton Xonim faoliyati xususida mulohazalar.....	84
D.Kulmuradov	Bo'lajak muhandislarni o'qitish jarayonida sun'iy intellektdan foydalanish: xorij tajribasi.....	87
S.Ismoilov	Tasavvuf komil inson haqida.....	92
S.Abdullayev	Globalashuv sharoitida sog'lom turmush tarzi va milliy salomatlik qadriyatlari dialektikasi.....	95
M.Soatova	Sun'iy intellektning zamonaviy jamiyatga ta'siri: imkoniyatlar, xavf-xatarlar va ijtimoiy transformatsiyalar.....	99

K.Fayzullayeva	O‘zbekistonda ayollar mehnati va gender tengligi: qonuniy mexanizmlar va ijtimoiy ahamiyati.....	103
E.Raxmonov	Ekologik ta’limda fanlararo integratsiyalashgan yondashuvlarning metodik asoslari.....	106
B.Rashidova	Milliy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning oila tarbiyasiga ta’siri.....	111
S.Soliyev	Rivojlangan davlatlarda yong‘in xavfsizligi madaniyatini shakllantirish modellari.....	115
A.Abdulhayev	Vatanparvarlik – harbiy xizmatchilarining ma’naviy qadriyati.....	119
O.Abdusalomov	Baxtlilikning milliy indeksleri.....	123
G.Raximboyeva	Kasbiy ta’lim tizimida raqamlashtirish texnologiyasini takomillashtirish metodikasi.....	126
B.Temirbaev	Foundations and historical development of musicology: from ancient theories to modern integrations.....	130
B.Adilov	O‘zbekistonda tasavvufshunoslik ilmiy maktabi shakllanishida Najmiddin Komilov merosining ahamiyati.....	134
M.Gafurova	Gender tengligi: falsafiy g‘oyalarning tarixiy o‘zgarishi va zamonaviy oqibatlari.....	138
M.To‘rabekova	Sirdaryo viloyati jozibadorligining ayrim jihatlari.....	141
H.Umarov	Sharq va G‘arb madaniy paradigmalar – yoshlar madaniyatini rivojlantirish omili.....	144
A.G‘aybullayev	O‘zbekiston va Qozog‘iston respublikalarining madaniy-gumanitar sohalaridagi hamkorligining rivojlanish tarixi.....	148
J.Yaxiyayev	Umumta’lim maktablarida o‘quvchi yoshlarda milliy g‘urur tuyg‘usini tarbiyalashda tarix fanining ahamiyati.....	151
I.Axatov	O‘zbekiston va Malayziya o‘rtasidagi madaniy aloqalarning rivojlanishi.....	154
Sh.G‘aniyev	O‘qituvchilarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish kompetensiyasi.....	157
Sh.Murzayeva	O‘zbekistondagi milliy madaniy markazlarning ijtimoiy-siyosiy asoslari.....	161
D.Alibekov	Yoshlar innovatsion tafakkurini rivojlantirishning zamonaviy o‘qitish jarayonlaridagi o‘rni.....	164
B.Davronov	Sun‘iy intellekt vositasida ijtimoiy institutlar faoliyatining raqamlashtirilishi va uning ma’naviy oqibatlari.....	167

**ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ – МАДАНИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ АСОСИ**

Гуларо Нишонбоева
маданиятшунослик бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада Янгиланаётган Ўзбекистоннинг маданий тараққиёт механизми ва унинг самарасини ошириш имкониятларининг янада кенгайганлиги ҳамда ушбу соҳада давлатимиз томонидан ишлаб чиқилаётган қарорлар, фармонлар ҳамда чора-табирлар дастурида ўзининг тасдиғини топаётганлигини кўриш мумкин.

Калит сўзлар: Янгиланаётган Ўзбекистон, механизм, маданий ўсиш, маданий савия, маданият ва аҳоли дам олиш маскани, маданий тараққиёт, ҳуқуқий маданият, маданий-маърифий соҳа.

Аннотация. Статья для изучения дальнейшего расширение механизма развития и возможностей повышения его эффективности, а также его подтверждение в разрабатываемой государством программе решений, указов и мер в этой сфере.

Ключевые слова: Обновляемый Узбекистан, механизм, культурный рост, культурный уровень, культура и место отдыха населения, культурное развитие, правовая культура, культурно-просветительская сфера.

Annotation. The article aims to further expand the development mechanism and the possibilities of increasing its effectiveness, as well as to confirm it in the program of decisions, decrees and measures in this area being developed by the state.

Keywords: Renewing Uzbekistan, mechanism, cultural growth, cultural level, culture and recreation area for the population, cultural development, legal culture, cultural and educational sphere.

Ҳозирги кунда жамиятимиз маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда янгиланишларга катта эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, янги мазмундаги ўзбек миллик давлатчилигига асос солинди ҳамда бу ҳозирги кунлардаги тараққиётнинг янги босқичи учун катта имкониятлар яратмоқда. Бошқача айтадиган бўлсак, жаҳон мамлакатларининг бугунги кундаги замонга хос илғор технологик тажрибалари билан бир неча мингйиллик ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари уйғун ҳолдаги дунёвий жамият бунёд этилди ва унга мос равишда маданий тараққиёт динамикаси шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони бу йўналишдаги тараққиёт босқичини белгилаб берди.

Мазкур хулоса мамлакатимиз тараққиётининг ўта муҳим бўлган даврига қадам қўяётгани, ҳаётимизнинг барча йўналишлари, шу жумладан, маданият соҳасидаги вазифаларнинг кенгайганлиги ҳамда янада муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўз навбатида бу, Янгиланаётган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси амалга оширилаётган бугунги кундаги ушбу вазифаларни муваффақиятли тарзда амалга ошириш, маданият соҳаси ривожининг тараққиёт босқичларини таҳлил қилиш билан бирга, бу жараёни кенгроқ тадқиқ қилиш, унинг илмий-амалий аҳамиятини англаш зарурати маданиятшунослик нуқтаи назаридан кўпгина вазифалар туғдираётганлигидан далолат бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, 2017 йилда юртимизда ҳамда миллий маданиятимиз тарихида туб янгиланишлар ва ўзгаришларга сабаб бўлди. Янгиланаётган

Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик асослари, унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий тақдирида катта ўзгаришлар йили бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Жамиятимизда мазмунан янги давлат, ўзгача дунёқарашга эга бўлган маданий-фаровон юрт бунёд этиш, унга мос миллий-маданий кадриятлар ва муносабатлар тизимини яратиш, уни шакллантириш масаласида шиддатли ислохотлар даври бошланди.

Мана шу даврдан бошлаб маънавий муҳитни яхшилаш ҳамда тараққий эттириш, маданий соҳани тобора юксалтириш, ижод аҳлининг меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда энг аввало маданият соҳасини бошқаришни тубдан ислох қилиш, маданият ташкилотларининг ҳамда маданият ва аҳоли дам олиш масканларининг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш, замонавий технология асосида билимга эга бўлган кадрларни тўғри танлаш ҳамда уларни ўз ўринларига мос ҳолда жойлаштириш, шу соҳа бошқарувчиларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқитиш, соҳанинг ҳақиқий мутахассисига айлантириш, касбига фидоий этиб тарбиялаш каби долзарб муаммоларни ҳал этиш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Янгиланаётган ҳозирги кунда ўзбек миллий маданиятини тараққий эттиришда амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини танқидий таҳлил қилиш, уни чуқур ўрганиш ҳамда шу асосда бошқарув тизимини қайта шакллантириш ва ушбу соҳада маданият тизими жамият сиёсий ҳаётида намоён бўлиши, халқимизнинг турмуш тарзида тутган ўрнидан оқилона фойдаланиш ниҳоятда муҳим масала эканлигини англашга қаратилган долзарб вазифалардан биридир.

Шу нуқнаи назардан мамлакатимизнинг бугунги кундаги маданий ҳаётга хос янгилинишлар сифатини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 5 йилга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси ҳақидаги фармони ҳамда у билан тасдиқланган ҳаракатлар дастури янги даврининг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаolari ва замон талабларини яққол ифодалайди.

Мазкур ҳужжат бутун жамиятимиз ва халқимизнинг тарихи, ҳамда маданий турмуш тарзида рўй бераётган бугунги бурилиш даврида тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимиз келажаги учун ўта муҳим стратегик мақсадлар, ҳозирги ривожланиш босқичига хос маданият даражасини таъминлашга хизмат қилаётган устувор тамойилларни аниқ-тиниқ белгилаб бергани билан аҳамиятга эгадир.

Шу маънода ушбу ҳужжатда аввало, мамлакатимизнинг маданий ҳаётидаги янгилинишлар учун муҳим бўлган ўзгаришларни амалга ошириш, шу жумладан, бу соҳага тегишли бўлган бошқариш ҳамда фаолият тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, унинг таъсирчанлигини янада оширига доир тамойиллар белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорлар, фармонлар, чора-тадбир дастурлари айнан шу жараёнларни ҳал қилишга ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарори билан Маданият вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир қаторда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- мамлакатимиз олий таълим ташкилотларида машғулот ўтиш, маҳорат дарсларини ўтиш учун юртимизда чет эл давлатларининг кўзга кўринган ижрочиларини, маданият ва санъат намоёндаларини, етук педагог-кадрларни таклиф қилади;

- чет элда ўқиётган ҳамда самарали ижод қилаётган ёш ижодкорларнинг мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган маданий тадбирлар, фестиваллар, концерт дастурларида иштирок этишини таъминлайди;

- маданият соҳасига қизиқиши кучли иқтидорли ёшлар, маданият мураббийси, етук санъат дарғаларининг ижодий сафарларини самарали ташкил этиш, уларнинг халқаро миқёсда, республика кўламида маданият соҳаси тизимида ўтказиладиган маданий тадбирлар, кўрик-танловлар, фестивалларда ҳамда шу каби байрам дастурларида қатнашишини беминнат ташкил этишини таъминлайди;

- маданиятшунослик, санъатшунослик, мусиқашунослик, театршунослик ва шу мутахассисликдаги илмий соҳа йўналишларини янада такомиллаштириш, олий таълим ташкилотларида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ва ушбу соҳа вакиллари билан ҳамкорликда илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш жараёнларини самарали ишлаб чиқиш, шу каби вазифаларни маданият ва санъат соҳасидаги илмий салоҳиятнинг юқорига кўтарилишига катта туртки бўлади;

- ҳозирги жаҳон илмий-техника ривожини ютуқлари, чет эллардаги маданиятни тараққийлашининг илғор тажрибаси билан омикталаштирилиши соҳадаги керакли бўлган ўрнини белгилайди;

- мазкур соҳадан манфаатдор бўлган муассасалар, вазирлик, идоралар билан бир қаторда маданият ҳамда санъат йўналишидаги илмий тадқиқотлар янада тараққий этишига кўмаклашади, илмий изланишлар самарасини амалиётга жорий этади ва бу фаолият туридаги ишлар натижадорлигини мувофиқлаштиришга кенг йўл очади”.

Юртимизда кейинги йилларда миллатимизнинг маданий-маърифий қиёфасини янада ошириш масаласида маданият муассасаларининг, санъат даргоҳларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларни моддий-маънавий кўллаб-қувватлаш, ушбу соҳадаги ўсиб чиқаётган ёшларга йўл очиш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш тизими йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда бу масалада сезиларли ҳолатда ишлар амалга оширилди, шу маънода, Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори, 2020 йил 27 сентябрда ПФ-6075-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш масаласи бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 1-июндаги ПФ-82-сон “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги, 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2019-йил 3-майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021-йил 26-мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023-йил 25-декабрдаги ПҚ-405-сон “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 3-июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сон қарори, Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2023-йил 22-декабрдаги 50-сон Баёни ҳамда мавзуга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот ишида муайян даражада хизмат қилади.

Республикаимиз Президенти Янгиланаётган Ўзбекистонда кенг кўламдаги демократик ислохотлар негизида “Учинчи Ренессанс” пойдеворини такомиллаштириш масаласида барча шарт-шароитларни яратиш кераклиги, ушбу масаланинг янгича мафкурага айланиши ҳамда миллий-маданий меросимизнинг халқаро миқёсдаги жаҳон андозаларига муштарак ҳолда сақланиши, уларни тарғиб қилишини таъминлаш

баробарида маданият ва санъат соҳаси вакиллари мутахассислари қанақа вазифани бажармоғи лозимлиги ҳақида қайғуришмоқда. Мазкур масалага бир қарашда қонунлар ҳамда қарорлар чиқарилган, шарт-шароитлар мавжуд, соҳа мутахассс-кадрлар бор албатта. Шу жараёни ижобий ҳал этишда Маданият ва туризм вазирлиги масъулият билан соҳа вакилларига топшириқларни ҳамда керакли бўлган вазифаларни юклатиш, вилоят, туман, шаҳарлар ва қишлоқлар кесимида ҳам фаолиятлари олиб борилса, бу кўзланган режани ижобий ҳал бўлишини таъминлайди. Юртимизда тахминан 8000 мингдан ортиқ моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларни шу ҳолатда сақлашда, авлоддан – авлодга ўтишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йиллардан маълумки, Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб Умум жаҳон маданий ҳамда табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция кучга кирган. Шу нуқнаи назардан 1991 йилда Хива “Ичан қалъа”, 1993 йилда Бухородаги тарихий марказ, 2000 йилда Шахрисабз тарихий-маданий маркази, 2001 йилда Самарқанд, 2020 йилда “Лазги” рақс санъати Умумжаҳон мероси объектлари мероси рўйхатига киритилган.

Бу эса ўз-ўзидан санаб ўтилган миллий-маданий меросимизни халқаро андозаларга мос ҳолда сақланишини таъминлаш кераклигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасидаги Давлат музейларида ҳар ойда, фақат хафтанинг якшанбасида “Очиқ эшиклар куни” деб эълон қилинган бўлиб, фуқаролар бу масканларга бепул кириб томоша қилишга имкон яратилгани алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан, бу миллатимизнинг шонли ўтмиш тарихи, аجدодларимизнинг бебаҳо бўлган миллий-маданий меросига оид билимларни аҳоли онгида бойитиш, уларнинг қалбларида Ватан туйғуси, миллий ғурурни шакллантиришга катта туртки бўлади.

Ҳозирда информацион жамият бапро этишнинг энг нозик муаммоларидан бири – информацион маданиятни ўстириш масаласи ўта жиддий масалага айланиб ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу шароитда нафақат ОАВ мутахассислари, бутун бошли маданий-маърифий соҳа вакиллари, ҳаммамизнинг миллий-маданий кадрларимиз, ўзбекона урф-одатларимиз ҳамда маънавиятимизга бегона бўлган турли хилдаги ғовий ахборотлардан ҳали ҳаётий тажрибаси эга бўлмаган, онггу тафаккури, ахлоқий дунёқараши эндигина шаклланиб келаётган ёш авлодни асраш, уларни маънавий томондан ушбу ғояларга қарши куроллантиришга ёрдам бериши тарихий зарурият ва биз учун бугунги кунда бу ғояларга қарши куроллантиришга ёрдам бериши тарихий зарурият ва биз учун диққатга сазовордир.

Шу масалада Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан кўпгина ишлар ҳамда серқирра фаолият турлари олиб борилмоқда. Ушбу ишлар кўламинимазкур вазирликнинг биргина 2022 йил, яъни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга доир давлат дастури ижроси бўйича маълумотномаси яққол кўрастиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й, 4-сон).www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Маданият вазирлиги тўғрисида Низом. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон. 168-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.11.2017 й., 09/17/886/0213-сон.
3. Жўрамуратов Н. Ижтимоий-маданий фаолиятда маданий-маърифий омилнинг ўрни. // Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида” илмий-назарий конференцияси материаллари. Т.: “Наврўз” нашриёти. 2016. – 106 б.